АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

СОАТОВА ГУЛЗОДА НУРМАМАТ ҚИЗИ

“МАОРИФ ВА ЎҚИТҒУВЧИ” ЖУРНАЛИДАГИ АДАБИЁТ МАТЕРИАЛЛАРИ ТАДҚИҚИ
(1925-1929 йиллардаги сонлари асосида)

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик
10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УЎК: 821.512.133.09:070 821.512.133-92

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on Philological Sciences

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по филологическим наукам

Соатова Гулзода Нурмамат қизи
"Маориф ва ўқитғувчи" журналидаги адабиёт материаллари тадқиқи
(1925-1929 йиллардаги сонлари асосида).....3

Соатова Гулзода Нурмамат кизи
Анализ литературных материалов в журнале "Образование и учитель"
(по материалам номеров 1925-1929 гг.).....25

Soatova Gulzoda Nurmamat kizi
Analysis of literary materials in the journal "Education and Teacher"
(based on the issues of 1925-1929).....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....51

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

СОАТОВА ГУЛЗОДА НУРМАМАТ ҚИЗИ

“МАОРИФ ВА ЎҚИТҒУВЧИ” ЖУРНАЛИДАГИ АДАБИЁТ МАТЕРИАЛЛАРИ ТАДҚИҚИ
(1925-1929 йиллардаги сонлари асосида)

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик
10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Fil2021 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuull.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Пардаев Қўлдош Узақович** филология фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Шодмонов Нафас Намозович** филология фанлари доктори, профессор
	Ҳасанов Нодирхон Дадахонович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**ЎзРФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 14 декабрь соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.tsuull.uz); e-mail: monitoring@www.tsuull.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.tsuull.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «12» декабрь куни тарқатилди.
(2022 йил «10» декабрь даги 1 рақамли реестр баённомаси).

И.И.Адизова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Б.Б.Абдушукуров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор

Р.Ф.Зоҳидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон маданияти ва адабий-эстетик тафаккури ривожида матншунослик ва адабий манбашунослик соҳаси муҳим ўрин тутади. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояндалари ҳаёти ва ижодий меросини бирламчи манбалар асосида текшириш, улардан жамият маънавиятини юксалтириш йўлида фойдаланиш жаҳон тамаддуни ривожида муҳим аҳамият касб этади. Жадид ижодкорлари асарларидаги илм-маърифатни тарғиб этиш, инсон камолоти билан боғлиқ масалалар таҳлилини амалга ошириш адабиётшуносликни янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши жиҳатидан долзарбдир.

Дунё матншунослик ва манбашунослик илмида бирламчи манбалар қиёсий таҳлили ва талқини масалаларини амалга ошириш матншуносликни янги илмий-назарий қарашлар билан бойитиши жиҳатидан долзарбдир. XX аср бошларида вужудга келган адабий муҳит манбаларини ўрганиш, жадид зиёлиларининг адабий минбари бўлган вақтли матбуот нашрларидаги материалларни табдил ва талқин қилиш тамойилларини ишлаб чиқиш, адабий муҳитдаги анъана ва янгилик, адабий алоқалар, ижодкор асарлари матни тарихи каби назарий масалаларни янада аниқлаштириш бугунги дунё адабиётшунослигида долзарб муаммолардандир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин илгари ўрганиш тақиқланган манбаларни тадқиқ этиш учун кенг имконият пайдо бўлди. Уларни илмий-тадқиқот доирасига киритиб, олинган натижаларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш адабиёт илмининг, хусусан манбашунослик ва матншуносликнинг устувор вазифаларидан биридир. «...Аввало, халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган»[1]. Маълумки, XX аср биринчи чораги Туркистон ижтимоий ҳаётида жадидчилик ҳаракати ўзига хос мавқега эга бўлган. Жадидчилик ҳаракатининг ғоя ва фикрлари XX аср 10-йилларидан сўнг кўплаб вақтли матбуот нашрларида акс этди. Айниқса, “Маориф ва ўқитғувчи” журналига оид бундай фикрларнинг ҳақиқатга қанчалик мувофиқлиги ҳақида унинг барча сонларидаги матнларни тадқиқ этиш асосида хулоса чиқариш илмий ва мантиқий жиҳатдан тўғри экани шубҳасиздир. Айни замонда, мазкур манбани синчиклаб ўрганиш жадидларнинг XX аср 20-30-йиллар адабий муҳитига, адабий жараёнга муносабатининг моҳияти нимадан иборат бўлганини аниқлашга ҳам муайян даражада кўмаклашади. Мазкур журналда ўзбек адабиёти ижодкорларининг турли жанрларга оид асарлари босилган. Уларнинг аксарияти ҳамон адабий жамоатчилик эътиборидан четда қолиб келмоқда. “Маориф ва ўқитғувчи” журнали саҳифаларида янги ижтимоий

[1] Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. –Тошкент, 2017, 4 август.

воқелик шароитида адабиётшуносликка оид мулоҳазалар таҳлил ва талқин этилди, зарур ўринларда уларга ислоҳ киритиш юзасидан таклифлар билдирилди. Натижада, мазкур нашрнинг адабиётшунослик ривожида ҳам муайян аҳамиятга молик бўлгани шубҳасиздир. Айни пайтда, журналнинг даврий нашр сифатида ўрганилиши унинг адабиётшунослигимиз тарихидаги ўрни ва аҳамиятини белгилашда ҳам муҳим илмий қийматга эга. Буларнинг барчаси мавзунинг долзарблигини тасдиқловчи асослардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида", 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон "Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида", 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида", 2019 йил 21 октябр-даги ПФ-5850-сон "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида", 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 августдаги Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси, 2020 йил 20 майда Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонига ташрифи чоғида адабиётнинг таъсир кучини ошириш бўйича топшириқлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. "Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш" устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Матншуносликнинг назарий ва амалий масалалари дунё ва ўзбек матншунослигида маълум даражада тадқиқ этилган. Ушбу илмий муаммо масалалари рус матншунослари Дмитрий Сергеевич Лихачев[2], Борис Викторович Томашевский[3] илмий ишларида, шунингдек, ўзбек олимлари Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймон, Ғулом Каримов, Шуҳрат Сирожиддинов, Боқижон Тўхлиев, Нурбой Жабборов, Нусратулло Жумахўжа, Насимхон Раҳмонов, Ҳамидулла Болтабоев, Афтондил

[2] Лихачев Д.С. При участие А.А. Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X – XVII веков. – Санкт-Петербург, Изд-во «Алетейя», 2001, стр. 34-35.
[3] Томашевский Б.В. Писатель и книга. Очерк текстологии. Изд. 2-е, – М., 1959, стр. 148.

Эркинов, Нафас Шодмонов, Нодирхон Ҳасанов, Рашид Зоҳидов, Отабек Жўрабоев, Дилнавоз Юсупова, Жалолиддин Жўраев, Қўлдош Пардаев тадқиқотларида ёритилган[4]. “Маориф ва ўқитғувчи” журналида чоп этилган адабий мавзулардаги материаллар матни ва уларда ёритилган давр адабий жараён муаммолари бугунги кунга қадар махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган эмас. Унга мурожаат қилинган камдан-кам ҳолларда эса тадқиқотчилар ўз мавзуси доирасида мулоҳаза билдирган. Адабиётшунос олимлардан Зиё Саид, Наим Каримов, Бегали Қосимов, Феруза Нуриддинова, Мухтор Худойқулов, Назира Абдуазизова, Улуғбек Долимов, Бойбўта Дўстқораев, Ҳамидулла Болтабоев, Узоқ Жўрақулов, Дилмурод Қуронов, Баҳодир Каримов, Нодирхон Ҳасанов, Сайёра Ҳалимова, Зайнобиддин Абдирашидов, Қўлдош Пардаевлар жадидчилик ҳаракати, жадид матбуоти, жадидларнинг илмий меросига оид қатор тадқиқотларни амалга оширишда журнал материаллари ҳақида муайян мулоҳазалар билдирган[5]. Журналдаги

---

[4]Шамсиев П. Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонининг илмий-критик тексти ва уни тузиш принциплари ҳақида: Фил.ф.н... дис. - Т., 1952; Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: Фил.ф.д....дис. - Т., 1970; Сулаймон Ҳ. «Хазойин ул-маоний» текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари. /Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. – Т.: Ўзбекистон ФА нашриёти, 1959. – Б.5-28; Каримов Ғ. Ўзбек классик адабиётининг баъзи назарий масалалари. /Ғулом Каримов – маърифат фидойиси. – Т.: Мумтоз сўз, 2009. – Б.56-63; Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Т.: Akademnashr, 2015.- Б. 7-9; Матншунослик сабоқлари. – Т.: Navoiy universiteti, 2019. – Б.18; Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. – Т.: Баёз, 2014; Жабборов Н. Бадиий матн таҳрирининг хос хусусиятлари /«Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари» мавзуидаги илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2014.–Б. 28-32; Ўзбек матншунослигининг долзарб муаммолари /«Замонавий ўзбек адабиётшунослигининг янгиланиш тамойиллари» мавзуидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Тошкент, Adabiyot uchqunlari, 2016.- Б. 99-105; Матншуносликнинг айрим назарий масалалари / «Ўзбек матншунослигининг назарий ва амалий муаммолари» мавзудаги Республика илмий анжумани материаллари. – Қарши, Насаф, 2019. - Б. 3.7; Жумахўжа Н. То тузди Навойи ояти ишқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Тошкент, 1990. 9 ноябрь., Дебоча матни мукаммалми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Тошкент, 2011. 18 март., Янги илмий-танқидий матн // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси. – Тошкент, 2011. 28 октябрь; Олтин ёруғ. 1-китоб (Сўзбоши, изоҳлар ва қадимги туркийдан ўзбекчага табдил муаллифи Н.Раҳмонов). – Т.: Фан, 2009; 2-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2013; Болтабоев Ҳ. Матн ва унинг филологик фанлар тизимидаги ўрни /Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишнинг назарий ва манбавий асослари. – Т.: Мумтоз сўз, 2019; Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Т., 1997; Алишер Навоий “Хамса”си талқини (XV – XX аср боши). – Т.: Tamaddun, 2018; Матншунослик ва манбашунослик асослари. –Т., 2019; Шодмонов Н. “Шоҳиду-л-иқбол” – адабий манба. – Т.: Muharrir, 2009. - Б. 22-26; Хасанов Н. Ясавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат”. – Т.: Akamemnashr, 2012. – Б.17; Зоҳидов Р. “Саботул ожизин”. (Манбалар, шарҳлар, илмий-танқидий матн). – Т.: Turon zamin ziyo, 2015.- Б. 184-185; Жўрабоев О. Матннинг матности сирлари. – Тошкент:Tamaddun, 2017. – 200 б.; Юсупова Д. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти (Алишер Навоий даври). – Тошкент: Tamaddun, 2016; Пардаев Қ. Муқимий шеъриятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини. Фил.. фан.. д-ри (DSc) …дисс. – Тошкент, 2020. 310 б.

[5]Саид Зиё. Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар. – Тошкент-Самарқанд: Туркистон давлат нашриёти,1927; Нуриддинова Ф. Миллий матбуот фиҳристи. – Т.: Мумтоз сўз, 2020. – Б. 528-530.; Турон жавоҳирлари. – Т.: Мумтоз сўз, 2019. – Б. 214-235.; Миллий матбуот саҳифалари. – Т.: Маънавият, 1999.; Билим мезони ҳақида сўз // Ўзбекистон матбуоти. 2010. №4. – Б 75-77.; Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002.; Каримов Н. Истиқлолни уйғотган шоир. – Т.: Маънавият, 2000; Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Т.: 2007; Каримов Б. Абдулла Қодирий. – Т.: Фан, 2006.;Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд. – Т.: 1999; Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Т.: Университет, 2006. Долимов У. Исҳоқхон Ибрат. – Т.: Шарқ, 1994.; Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006.; Дўстқораев Б. Яссавий ким эди? – Т.: Халқ мероси, 1994. – Б.5; Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2009.; Абдуазизова Н. Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Академия, 2002.; Ҳалимова С. “Садойи Туркистон” газетаси: йўналиши, тил, услуб ва жанр хусусиятлари (1914-1915). Филол. фан. номз. дисс. автореферат. – Тошкент, 2001; Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. – Т.: Akademnashr, 2011. Пардаев Қ. “Ал-ислоҳ” журналида адабиёт материаллари. Филол. фан. номз...дисс. – Т, 2010. – Б.16. Ҳасанов Н.Яссавий ва Фитрат. . // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент,2008. №3. – Б.3-11.

тилшуносликка доир материаллар Абдулҳамид Нурмонов, Самихон Аширбоев, Бозорбой Ўринбоев, Улуғ Турсунов, Бўрибой Тўйчибоев, Муҳаббат Қурбонова, Тўлқин Тоғаев, Назира Янгибоева[6] сингари олимлар томонидан ўрганилган.

Бегали Қосимов, Ҳамидулла Болтабоев, Ҳайдарали Узоқов, Наим Каримов, Шерали Турдиев, Баҳодир Каримов, Нилуфар Намозова каби олимлар жадид ижодкорлари танланган асарларини нашрга тайёрлашда журнал ижодкорлари асарларига мурожаат қилган[7]. Мазкур диссертацияда юқоридаги ишлардан фарқли ўлароқ мавзу илк бор монографик тарзда ўрганилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек адабиёти тарихи ва манбаларини тадқиқ этишнинг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади “Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги адабий материалларни аниқлаш, чоп этилган адабий ва илмий асарлар матни илмий таҳлилини амалга ошириш, журналнинг миллий адабиётимиз тарихида тутган ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Маориф ва ўқитғувчи” журнали саҳифаларида чоп этилган, аммо ҳанузгача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган адабий асарларни илмий истифодага олиб кириш;

журналдаги адабиёт материалларнинг матн хусусияти, таҳлили ва мавзусига кўра таснифини амалга ошириш;

журналдаги адабий материаллар таҳлили асосида ХХ аср бошларида илк бор кун тартибига қўйилган миллий адабиётнинг мақсади, жамият ҳаётида тутган ўрни каби масалаларга ойдинлик киритиш;

“Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги адабиётга доир мунозараларни холис илмий баҳолаш, уларнинг адабий танқид ва адабий-эстетик тафаккур ривожидаги ўрнини аниқлаш;

журналдаги қардош халқлар адабиёти ва таржимашунослик муаммоларига оид матнларни таҳлил этиш ва уларнинг ХХ аср бошлари таржимашунослигида тутган ўрнини очиб бериш.

---

[6] Нурмонов А. Танланган асарлар. – Тошкент: Академнашр, 2012.; Нурманов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Т.: Ўз, 2006. – Б.117.; Ўринбоев Б., Турсунов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Т.: 1982; Тўйчибоев Б.Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996; Қурбонова М. Матн тилшунослиги. – Т.: Университет, 2014.; Тоғаев Т. А.Зоҳирийнинг тилшунослик мероси. Филол. фан. номз. дисс. – Т.: 2004.;

[7]Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов). – Т.: Маънавият, 1997.; Авлоний Абдулла. Шеърлар, ибратлар. Танланган асарлар. IIжилдли. (Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов). – Т.: Маънавият, 1998. I жилд.; Авлоний Абдулла. Пандлар, ибратлар, ҳикоятлар, драмалар, мақолалар, саёҳат хотиралари. II жилдли (Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов). – Т.: Маънавият, 1998. IIжилд.; Ибрат.Ажзий.Сўфизода. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1999.;Сидқий Хондайлиқий. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Б.Қосимов. Р.Жавҳарова). – Т.: “Маънавият”, 1998.; Элбек. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Узоқов). – Т.: “Шарқ”, 1999.; Абдулҳамид Мажидий. Кўнгил орзулари. (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Узоқов). –Т.: Маънавият, 2000.; Боту. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Н.Каримов, Ш.Турдиев) – Т.: Шарқ, 2004.; Фитрат. Танланган асарлар. V жилдлик. (Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев). – Т.: Маънавият, 2006,2010.; Маҳмуд Вадуд. Танларган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Б.Каримов). – Т.: Маънавият, 2007.; Ҳожи Муин. Танланган асарлар. (Нашрга тайёрловчи Н.Намозова). – Т.: Маънавият, 2005.

Тадқиқотнинг объектини “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1925-1929 йиллардаги сонлари, жадид ижодкорларининг “Танланган асарлари” ва Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви материаллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини “Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги адабий материаллар таснифи ва таҳлили, матн хусусиятлари, адабий-эстетик қиммати, бадиий асарларда талқин масаласи кабилар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий, статистик, биографик, герменевтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Маориф ва ўқитғувчи” журналининг (1925-1929) беш йил давомида нашр этилган сонларидаги назмий, насрий асарлар, илмий, адабий-танқидий мақолалар ва таржима асарларга оид 307 та адабий материаллар босилгани, шундан: 189 таси шеърий (7таси таржима), 68 таси насрий (22 таси таржима), 11 таси адабий-танқидий (1 та таржима), 39 таси илмий (2 та таржима) асарлар эканлиги илк бор аниқланган;

журналдаги шеърий асарлар матни текширилиши натижасида Чўлпон, Элбек, Миртемир, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Боту, Абдулҳамид Мажидий, Уйғун, Шокир Сулаймон, Абдулла Алавий каби таниқли ижодкорлар, шунингдек, Бектош, Гулбек, Ботур, Н.Раҳимий, Ойдин, Олтой сингари шу пайтгача ижоди ўрганилмаган шоирларнинг турли мавзуларда жами: 189та (5454 мисра) шеъри чоп этилгани аниқланган ҳамда илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган 92 та (1996 мисра) шеър, жумладан, Элбекнинг “Шам”, Миртемирнинг “Денгиз”, Ботунинг “Адабиёт”, Абдулла Алавийнинг “Карвон”, Олтойнинг “Телефон”, Мирҳодийнинг “Машина”, Ноди Мирзанинг “Булоқлар” сингари шеърлари илк бор илмий истифодага олиб кирилган;

“Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги насрий асарлардан Элбекнинг “Қишлоққа саёҳат”, “Келгусининг қуёши”, “Янги турмуш изловчи”, Маҳмуд Субойнинг “Омонат” ҳикояси, Сомонийнинг “Ўзгариш” ҳикоялари, Маҳмуд Субаев (Абуваража)нинг “Шифоли сув” ҳикояти, Зиё Усмоний таржимаси-даги имзосиз “Хун-чи-фу”, Учқун таржимасидаги А.Барбиюснинг “Бахтсиз бир кўриниш”, Жўрабоев таржимасидаги Белтеневнинг “Қўрқинч даласи” каби 23 та ҳикояни илк бора илмий истефодага олиб кириш орқали журналнинг адабий манба бўлиб хизмат қилиши асосланган;

ижодкорлар шеърларининг график шакллантирилиши аниқланган, мазкур шеърларнинг жорий нашрларда эса график шакллантирилиш ҳолати бузилгани, шоирнинг график шакллантиришдан кўзлаган ижодий нияти амалга ошмай қолгани, шеърларнинг журнал нусхаси билан жорий нашрлардаги қиёси натижасида сарлавҳаларнинг ҳам жиддий ўзгаришга учрагани далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги назмий, насрий, таржима асарлар, илмий ва адабий-танқидий мақолалар таснифи ва таҳлили амалга оширилган ва миллий адабиёт тарихида тутган ўрни аниқланган;

журналда 307 та адабиёт материалларидан 189 таси шеърий (7 таси таржима), 68 таси насрий (22 таси таржима), 11 та адабий-танқидий (1таси

таржима), 39 таси илмий (2 таси таржима) асарлар эканлиги мисоллар орқали далилланган ва журналдаги адабиёт материалларнинг библиографияси тузилган;

“Маориф ва ўқитғувчи” журнали саҳифаларида чоп этилган, аммо ҳанузгача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган (92 та шеър, 23 та ҳикоя, 7 та танқидий мақола, 16 та илмий мақола) адабий асарлар илмий истифодага олиб кирилган;

“Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги адабиёт материаллари таҳлили натижасида адабиётга доир мунозаралар холис илмий баҳоланиб, уларнинг адабий танқид ва адабий-эстетик тафаккур ривожидаги ўрни аниқланган;

журналдаги таржима асарлар ва аслият матнининг қиёсий таҳлили амалга оширилиб, XX аср таржимашунослигида тутган ўрни очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг XX аср бошлари адабий манбалари бўйича олиб борган илмий изланишларига оид фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилгани, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Нодир нашрлар фондида сақланаётган “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг Пяу-88 рақамли нусхасидаги адабий материаллардан фойдаланилгани натижасида республика ва халқаро илмий конференция материаллари тўпламлари, хориж ва республика илмий журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти “Маориф ва ўқитғувчи” журналида чоп этилган, аммо ҳанузгача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган адабий асарларнинг илк бор илмий истифодага олиб кирилгани, янги аниқланган адабий материалларнинг илк бор илмий таҳлилга тортилиши, журналдаги илмий, адабий-танқидий мақолалар матни таҳлили натижасида уларнинг XX аср бошлари адабий-эстетик тафаккур ривожидаги ўрни аниқлангани, адабиёт материалларининг миллий истиқлол ғоялари билан боғлиқликда ўрганилиши, тадқиқот натижалари, ундаги таҳлил усуллари, анъана ва янгилик муносабати борасидаги кузатишлар миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти ва адабий танқид назариясини янада бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти журналдаги илк бор табдил қилинаётган назмий, насрий, илмий ва адабий-танқидий матнлар “Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти”, “Матншунослик”, “Матншунослик назарияси”, “Журналистика тарихи” каби фанлардан ўқув-услубий адабиётлар тайёрлашда, махсус курслар ташкил этишда, шунингдек, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини бойитиш, маънавий қадрият-ларимизнинг ўрни ҳақида маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги адабиёт материаллари тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги 307 та адабиёт материалларида бугунги кун адабий тил меъёрларининг сақланиш даражаси, хусусан, Чўлпон, Элбек, Миртемир, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Боту, Абдулҳамид Мажидий, Уйғун, Шокир Сулаймон, Абдулла Алавий, Бектош, Гулбек, Ботур, Н.Раҳимий, Ойдин, Олтой, Бектош каби ижодкорларнинг 189 та шеърларидаги ҳамда Элбекнинг “Қишлоққа саёҳат”, “Келгусининг қуёши”, “Янги турмуш изловчи”, Маҳмуд Субойнинг “Омонат” ҳикояси, Сомонийнинг “Ўзгариш”, Маҳмуд Субаев (Абуваража)нинг “Шифоли сув” ҳикоятлари каби илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган насрий асарлар матнидаги туркий қатламга оид бўлган бирликларни аниқлаш ва ажратишга оид илмий-назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган А-ОТ-2019-10 рақамли “Ўзбек тилида нейминг: меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш” (2019-2022) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 2022 йил 7 октябрдаги 04/1-2772-сон маълумотномаси). Натижада, ижодкорлар шеърларининг график шакллантирилиши, назмий, насрий ва таржима асарлар матнидаги адабий тил меъёрларига қай ҳолатда амал қилганлиги масаласига доир таҳлилий материаллар тайёрлашга хизмат қилган.

“Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги 189 та шеърий, 68 та насрий (22 таси таржима), 11та адабий-танқидий, 39 та илмий асарларга оид адабиёт материалларнинг матни таҳлили натижасида ХХ аср бошлари таълим масаласига оид материалларни тайёрлаш, мазкур асарлар илмий ва бадиий қимматининг ХХ аср 20-йиллардаги баҳоланиши ва уларнинг таълимга жорий этилишига доир илмий-назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган АМ-Ф3-201908172 рақамли “Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш” (2019-2022) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 2022 йил 7 октябрдаги 04/1-2771-сон маълумот-номаси). Натижада, журналдаги Чўлпон, Элбек, Миртемир, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғайратий, Боту, Абдулҳамид Мажидий, Уйғун, Шокир Сулаймон, Абдулла Алавий, Бектош, Гулбек, Ботур, Н.Раҳимий, Ойдин, Олтой, Бектош каби ижодкорлар асарлари матни таҳлилига оид материаллар ўзбек тилининг таълимий корпусини яратишга асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ҳамда 2таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқот мақсади, вазифалари, предмети, фан ва технологиялар ривожидаги устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тузилиши, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертацияниниг дастлабки боби **"Маориф ва ўқитғувчи" журнали адабий манба сифатида"** деб номланган. Бобнинг биринчи фасли "*Журналнинг давр ижтимоий-адабий ҳаётида тутган ўрни ва ундаги адабиёт материаллари таснифи"* ҳақида бўлиб, унда "Маориф ва ўқитғувчи" журналининг ташкил топиши, мақсад ва вазифалари, фаол ижодкорлари ҳамда журналдаги адабиёт материаллари тасниф асосида ўрганилган.

"Маориф ва ўқитғувчи" журнали Раҳим Охунжонович Иноғомов ташаббуси билан иш бошлаган. Журналининг 1-сони Ўзбекистон жумҳурияти Маориф халқ комиссарлиги томонидан 1925 йил март ойидан Тошкентда Ўзбекистон Давлат нашриётининг 1-матбаасида чиқа бошлаган, ойда бир марта чоп этилган журнал ижтимоий-сиёсий, таълимий-тарбиявий, адабий-илмий ва расмий журнал бўлиб, халқ оммасини саводли қилиш, турмуш фаровонлиги даражасини кўтариш, хотин-қизлар озодлиги, адабиётшунослик ва тилшунослик муаммоларини ёритишдек улкан вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

Журнал масъуллари журналнинг келажаги ва узоқ умр кўриши учун ўз вазифаларига сидқидилдан ёндашган. Бу бошқарма (таҳририят) томонидан журналнинг 1-сони илк саҳифларида берилган чақириқда яққол кўзга ташланади: "Журналимиз тилаги маориф ходимларига маънавий кўмак беришдир. Отини "Маориф ва ўқитғувчи" қўйдиқ. Бас, шуни ўқиғон кишиларнинг ўзи маъносини англаса керак. Бу кунгача шундай ўртоқчилиқ газета бўлмади. Бошқа мамлакатларни кўрсак, уларда турли йўллардаги журналлар тўлиб чиқиб турарди. Бошқаларини қўя қолайлик, айниқса, бир иш ҳақида ҳам бир неча исмда журнал ва газеталар чиқади. Бизда бўлса, маориф ходимларининг хизмат майдонига кўмак учун эндигина мана шу журнал чиқарилади…[8]". Зиё Саид ҳам журнал ҳақида бундай ёзади: "Бу журнал ойлик бўлиб, борган сари муваффақият қозонмоқда ва кундан кунга такомиллашиб, ўқувчиларни ўзига тортмоқдадир"[9].

Журналнинг асосий рукнлари: "Расмий бўлим", "Умумий бўлим", "Таълим-тарбия", "Ижтимоиёт", "Ўлкани таниш", "Адабиёт", "Луғат ва

[8] Таҳририят. //Маориф ва ўқитғувчи. – Тошкент, 1925. – № 1. – Б. 3.
[9] Зиё Саид. Танланган асарлар.(Нашрга тайёрловчи Ш.Турдиев). – Т.: Ғофур Ғулом, 1974. – Б.92.

атамалар”, “Фан ва техника”, “Танқид ва китобиёт”, “Ғарб адабиёти”, “Таржимаи ҳол”, “Тил ва истилоҳ”, “Гўзал санъатлар”, “Адабий тафтишлар”, “Маориф хабарлари”, “Сиёсий оқартириш”, “Иқтисодиёт”, “Деҳқончилик”, “Касабачилик”, “Маҳаллий хабарлар”, “Сўроқ-жавоблар”, “Хабарлар”, “Идорадан жавоб ва кенгашлар”, “Эълонлар”дан иборатдир. Журналга 1927 йил 7-8-сонидан бошлаб, “Болалар бўлими” ҳам илова қилинган.

Журналнинг фаол муаллифлари: Фитрат, Чўлпон, Элбек, Садриддин Айний, Ҳожи Муин, Вадуд Маҳмуд, Ғози Юнус, Абдулла Алавий, Саид Аҳрорий, Шокиржон Раҳимий, Н.Раҳимий, Гулбек, Бектош, Шокир Сулаймон, Зариф Башир, Азиз Убайдуллин, Маннон Рамз, Абдулҳамид Мажидий, Абдулмўмин Сатторий, Ашурали Зоҳирий ва Носир Саидлар бўлган.

Журнал рукнларининг асосий қисмини адабий материаллар ташкил этади. “Таржимаи ҳол” рукнида таниқли ижодкорлар таржимаи ҳоли, “Адабий тафтишлар” рукнида эса юбилейи нишонланадиган ижодкорларга бағишланган мақолалар ва таржима асарлар, “Танқид ва китобиёт” рукнида адабий-танқидий мақолалар, “Адабиёт” ва “Ғарб адабиёти” рукнида чет эл ва ўзбек шоирлари шеърлари, носирларнинг ҳикоялари бериб борилган. “Адабий тафтишлар” ва “Таржимаи ҳол” рукнида Навоий, Мирий, Ажзий, Шекспир, Турди, Аҳмад Яссавий каби улуғ ижодкорлар ва уларнинг асарлари ҳақида тадқиқотлар олиб борилиб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилган. Журналдаги адабиёт материаллари назмий асарлар, насрий асарлар, илмий, адабий-танқидий мақолалар, таржима асарлар тарзда таснифланди. Журналнинг 1925-1929 йиллардаги сонларида 307 та адабиёт материаллари босилган. Шундан: 189 таси шеърий (7 та таржима), 68 таси насрий (22 та таржима), 11 та адабий-танқидий (1 та таржима), 39 таси илмий (2 та таржима) асарлардир. Илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган 92 та шеър (1996 мисраси), 23 та ҳикоя илмий истифодага олиб кирилди.

“Маориф ва ўқитғувчи” журналида (1925-1929) 32 та таржима асар босилган бўлиб, буларнинг аксарияти рус тилидан қилинган таржима асарлардир. Жумладан, “Бахтсиз бир кўриниш”, “Хун-чи-фу”, “Қўрқинч даласи”, “Мироб”, “Суба” ҳикоялари ўқувчиларни ўзига мафтун этган. Журналда босилган адабий-танқидий мақолаларда ўз давридаги адабий жараёнга, янги асарлар ютуқ ва камчиликларига, умуман асарнинг бадиий савияси, имло ва тилида йўл қўйилган хато ва камчиликларга баҳо берилган.

Бобнинг иккинчи фасли *“Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги адабиёт материалларнинг аннотацияли библиографияси”* деб номланган бўлиб, унда назмий, насрий, таржима асарлар, адабий-танқидий ва илмий мақолаларнинг қисқача аннотацияли библиографияси ёритилган.

“Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1925-1929 йилларида Чўлпон, Н.Раҳимий, Элбек, Ғулом Зафарий, Раҳим Али, Абдулла Алавий, Бонур, Бектош, Ботур, Ойдин, Ғайратий, Ҳамид Олимжон, Шокир Сулаймон, Боту, Олтой, Гулбек, Миртемир, Уйғун, Саид Аҳрорий, Мажидий, Музаяна Алавия, Мирҳодий, Яшин, Қ.Ҳошим, Йўқсил, Ойбек, И.Усмоний, Ноди Мирза сингари кўплаб ижодкорларнинг насрий ва назмий асарлари нашр этилган. Жумладан,

Чўлпоннинг *“Дала йўлларидан”*[10] шеъри сувнинг тилидан жаранглайди. Шеър Андижонда ёзилиб, илк бор “Маориф ва ўқитғувчи” журналида нашр этилган. Ушбу шеър Чўлпоннинг уч жилдлик “Асарлар тўплами”[11] ва “Кўклам руҳи”[12] китобида ҳам босилган. Шеърда сув дала йўлларидан ҳар бир япроқни ўзига елпиғич қилиб, шамолга юзини тутиб оқиб бориши, шаҳар шовқини ичида унинг овози эшитилмай қолишидан арз қилади ва кимсасиз ерларга туганмас маъно бахш этиши таъкидланади. Шеърдаги кимсасиз ерларга туганмас маъно бахш этувчи сув образи гўёки Чўлпоннинг озодлик йўлидаги метин иродасидир.

Кичкина ариқнинг пастак шовваси,
Майин товуш билан “шов”лаб турадир.
“Эй қўпол шаҳарнинг жанжал- ғавғоси,
Дала йўлларида мен бормен” дейдир.

Элбекнинг шеърий тўпламларида учрамайдиган *“Шам”*[13] шеъри журналнинг 1925 йил 11-12 қўшма сонида “Адабиёт” рукнида берилган. Шоир шеърда шам атрофга ёруғлик таратиб, кўнгилларни хушнуд этишини, аммо ўзи эриб битишини образли тасвирлайди. Албатта, шам шу давр фидойилари рамзи бўлиб, шеър қуйидаги мисралар билан бошланади:

Шодлиғимдан чироқ томон боқдим,
Эҳ, эссиз, борлиғимга ўт ёқдим,
Шам ёниб ёғдулар сочар эрди,
Кўксини ғам сори очар эрди.

Миртемирнинг *“Денгиз”* шеърида[14] эса денгиз мисолида муаллиф халқини кўради. Жаҳолат исканжасида ётмасдан қўзғалиш, тошишини, жаҳолат қалъасини остига босиб, золимлар дунёсини битиришини сўрайди. Ушбу шеър Миртемирнинг “Сайланма” ва “Танланган асарлар”ида учрамайди. Шеър Чўлпоннинг “Халқ” шеърига назира қилинган:

Тинч денгиз, тинч денгиз, қўзғал, қўзғал бас!
Овчилар кемасин ирғит кўксингдан.
Ёвузлар дунёсин йўқот устингдан,
Устингда ўйнатма, ост томонга бос!

Диссертацияда бошқа шеърларнинг ҳам аннотациали библиографияси келтирилган. Журналда шеърлар билан бирга насрий асарлар ҳам берилган. Уларнинг мавзулари турлича. Баъзиларида инсоний фазилатлар улуғланса, баъзиларида хурофотга берилган инсонлар тақдири қораланади, баъзиларида эса фаровон турмушга эришиш учун амалга оширилган ишлар ҳикоя қилинади. Жумладан, Элбекнинг *“Қишлоққа саёҳат”*[15] ҳикояси чоп этилган. Муаллиф

[10]Чўлпон. Дала йўлларидан. //Маориф ва ўқитғувчи. – Тошкент, 1925. – № 5-6. – Б.93-94.
[11] Чўлпон. Асарлар. 1-жилд. (Нашрга тайёрловчи О. Шарафиддинов). – Т.: Хазина, 1994. – Б.170.
[12] Чўлпон. Кўклам руҳи. – Т.: Ёшлар нашриёт уйи, 2019. – Б 143.
[13] Элбек. Шам. //Маориф ва ўқитғувчи. 1925. №11-12. – Б. 75.
[14] Миртемир. Денгиз. //Маориф ва ўқитғувчи. – Самарқанд, 1927. – № 7-8. – Б.33.
[15] Элбек. Қишлоққа саёҳат. //Маориф ва ўқитғувчи. – Тошкент, 1925. – № 1. – Б.136-143.

баҳор фаслида кўпдан бери бормаган, болалиги ўтган қишлоғига баҳор фаслида боришга тўғри келиб қолади. Бу, албатта, унга ўзгача кайфият, руҳ бағишлайди. Ўша болалигидаги кўм-кўк ўрмонлар, тиниқ сувлар, файзли кўчалар кўз олдидан ўтади. Ҳикояда оч-наҳор, озиб кетган, умидсиз одамларни, хароба, бузилган эски уй ва кўчаларни образли қилиб тасвирлайди. Аммо муаллиф бундай аянчли турмушнинг сабаби одамларнинг ялқовлиги, билимсизлиги, яшаш йўлларини ўрганмаганлиги деган хулосага келади.

Журналдаги таржима асарлар ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмаган. Жумладан, Андрей Барбиюснинг *“Бахтсиз бир кўриниш”*[16] ҳикояси Учқун таржимасида берилган бўлиб, бир маҳбуснинг бир кунлик аянчли қисматидан ҳикоя қилади. Бу каби таржима асарлар аннотацияли библиографиси диссертацияда батавсил ёритилган.

“Маориф ва ўқитғувчи” журналининг “Танқид ва тақриз” бўлимида асосан адабий-танқидий мақолалар бериб борилган. Жумладан, Чўлпон журналнинг 1925 йил 11-12- сонида ҳинд ижодкори Р.Тҳокур ҳақида *“Тагур ва тагуршунослиқ (Тагурни қандай танийлар?)”*[17] номли мақоласини эълон қилади. Мақолада Робиндранат Тҳокур ҳақида барча маданият олам аҳли, жумладан, ҳинд, инглиз, турк, татар ижодкорлари ва ўқувчилари етарли маълумотга эгалиги таъкидланади. Муаллиф фикрининг исботи сифатида хорижий давлатларда Тҳокур ҳақида мақолалар босилиб чиққан газета ва журналларнинг номини келтириб ўтади. Лекин ўз юртидаги бу борадаги ишлар Чўлпонни қониқтирмайди ва шундай ёзади: “Аммо бизнинг юртда бизнинг ўзбек ўқувчилари эса бундан бир йилча бурун “Инқилоб” мажмуасининг бир сонида Тагордан олинғон “...бизнинг ўқуғувчилар Тагорнинг кимлигини, зотини ва аслини ҳали била олғонлари йўқ. Газета ва мажмуаларнинг ўз сўзи билан айтсак, ўзбек тилида Тагорнинг таржимаи ҳоли чиқғони йўқ. Бу сафарги мусоҳабамиз ўша камчиликни тўлдирмоқ ниятида ёзиладир”.

“Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги адабиёт матераллари ичида “Адабий тафтишлар ва таржимаи ҳол” рукнида бериб борилган шоирлар ижоди, шахсияти, асарлари устида олиб борилган тадқиқотлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Масалан, мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида А. Ниёзий, А. Фитрат, А. Зоҳирий, И. Ҳикмат, А.Назм каби ижодкорлар ва Ф.Раҳмон каби талаба томонидан чоп этилган мақолалар бунинг далилидир. Жумладан, Ашурали Зоҳирийнинг *“Навоийнинг юбилейи ва таржимаи ҳолиға янги бир саҳифа”*[18] номли мақоласида 1927 йилда Навоийнинг таваллуд куни Ўзбекистонда нишонланмагани, шоирнинг муфассал таржимаи ҳоли тузилмагани ҳақида куюнчаклик билан бундай ёзади: “Лекин биз, Навоийни каттамиздан кичигимизғача, саводлиларимиздан саводсизларимизғача билган, таниғонмиз. Унинг тилидан, фалсафасидан ҳикматли сўз ва қочирмаларидан фойдаланғонимиз ва лаззатланғонимиз ҳолда, унинг эҳтиромини жойиға еткиза олмадиқ. Улуғ бобомизнинг юбилейисини яхшилаб қарши ола олмадиқ”.

---

[16] Барбиюс А. Бахтсиз бир кўриниш. //Маориф ва ўқитғувчи. – Самарқанд, 1929. – № 2-3. – Б.33-35.
[17] Чўлпон. Тагур ва Тагуршунослиқ. //Маориф ва ўқитғувчи. – Тошкент, 1925-1926. – № 11-12. – Б.69-73.
[18] Ашурали Зоҳирий. Навоийнинг юбилейи ва таржимаи ҳолиға янги бир саҳифа. //Маориф ва ўқитғувчи. – Самарқанд, 1927. – № 1-2. – Б.27-29.

Ашурали Зоҳирий мақолада 1940 йилда Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш, уни муносиб ўтказиш масаласини кун тартибига қўяди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Журналда чоп этилган насрий ва шеърий асарлар таҳлили”** деб номланиб, икки фаслдан иборат. Биринчи фасл *“Насрий асарлар ва уларда давр воқелигининг ифодаланиши”* ҳақидадир. XX аср 20-30- йилларида ўзбек адабиёти ҳам жиддий ҳаётий синовларни бошдан кечирди. Бой тарихий қадриятларга эга бўлган бу адабиёт миллат руҳининг ойнаси сифатида унинг маънавий турмушида муҳим аҳамият касб этди. Афсуски, ўзбек адабиёти шўро ҳукуматининг мунтазам назорати остида бўлди. Улар фикрича, адабиёт кучли мафкуравий қурол сифатида янги тузумни мустаҳкамлашга хизмат қилиши, оммани шунга даъват этиши лозим эди. Адабиёт вакиллари зиммасига оғир масъулият юкланди. XX аср 20-30-йилларидаги бу давр воқеликлари “Маориф ва ўқитғувчи” журналида нашр этилган насрий асарларда ҳам ўз аксини топди. Журналда Шербек, Элбек, Шокир Сулаймон, Саид Аҳрорий, Бойиш, Ғози Юнус, Ф.Раҳмон, Миртемир, Кавкаб, Сомоний, Садриддин Айний, Яшин, Маҳбуба Раҳим қизи, Н.Раҳимий, А.Ҳофиз, Амалахоним, Абуваража, Фотиҳ Бакир, Вадуд Маҳмуд, Ўлмас, Тайфун, Раҳим Али каби ижодкорлар томонидан жами 68 та (9 та ҳикоят, 6 та сочма, 2 та қисса, 48 та турли мавзулардаги ҳикоялар, тарбиявий аҳамиятга молик 2 та эртак, 1 та романдан парча) насрий асар нашр этилган. Жумладан, Элбекнинг *“Кузатишда”*[19] номли ҳикоясида оддий, содда, тақдир синовларини кўраверив кўзи қотган Тошбобонинг бошидан кечирганлари ҳикоя қилинади. Тошбобо дунёда бирон кишини, айниқса, яқин инсонини узоқ сафарга жўнатишдек оғир иш бўлмаслигини айтиб, ўзининг темир йўл бўлмаган пайтлардаги сафари ҳақида сўзлайди. Сафарга чиқиш олдидан оила аъзоларининг ҳолатини қуйидагича тасвирлайди: “Биров ўлдириб қўйса, ўликлари дала-тошда қолиб, биз буларни, булар бизларни кўролмай қоларми эканлар, дейишиб бизнинг жўнашимиз олдидан барчалари қайта-қайта қучоқлашиб кўришар эдилар, оналаримиз бўлса бўйнимизга ёпишиб, сира қўйғиси келмай йиғлаб-йиғлаб ночор қолишар эдилар”. Тақдир тақозоси билан Тошбобо 45 ёшга тўлганида бир ўғил кўриб, ёшига етганида уни ўқиш учун мактабга беради, аммо 6-7 йилда ҳам ҳеч нарса ўргана олмагани учун ўғлини бир ўртоғининг гапи билан янги мактабга кўчиради. Тошбобо эса ҳар доим ўғлини кузатиш учун станцияга чиққанида ўз ота-онаси ёдига келиши, фарзандини узоқ сафарга жўнатиш нақадар оғир эканлигини ҳикоя қилади. Мазкур ҳикоя Элбекнинг Ҳайдарали Узоқов томонидан 1999 йилда нашрга тайёрланган “Танланган асарлари”да ва бошқа тўпламларда учрамайди. Элбекнинг бу ҳикояси орқали ёшларнинг ўқиши, чет давлатларда таълим олиши, дунё кезиб, билимини юксалтириши, ҳар томонлама мукаммал, маънавиятли ёшлар миллат келажаги учун зарур эканлиги таъкидланади.

Сомонийнинг *“Ўзгариш”* ҳикоясида эса хотин-қизларни, жумладан, ҳикоя қаҳрамони 17 ёшли Ҳамиданинг паранжини ташлаб, илм ўрганиши, бу йўлда тўсиқларни енгиб, ўз ҳаётини ҳеч кимнинг аралашувисиз, мустақил қуриши

[19] Элбек. Кузатишда. //Маориф ва ўқитғувчи. – Тошкент, 1925. – № 2. – Б.60-62.

каби масалалар бадиий лавҳаларда ёритилади. “Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги аёллар илм-маърифати мавзуларидаги ҳикоялар журналнинг “Адабиёт” бўлимида мунтазам бериб борилган. Жумладан, Миртемирнинг 1927 йил 3-4- қўшма сонларида “Ўзбек қизи Мастоной”, 1928 йилги 5-6- қўшма сонларидаги Яшиннинг “Лолахон”, 1927 йил 6-сонидаги Кавкабнинг “Тонг уйқусида” ва Ф.Рахмоннинг “Қутулиш” ҳикоялари бунинг исботидир.

Елена Зартнинг Аҳмад Бойиш таржимасидаги *“Мироб”*[20] ҳикояси орқали эски чоризм давридаги, порахўрлик, таъмагирлик каби иллатлар ва уларнинг оқибати ҳақида сўз боради. Ҳикояда Махсум тахаллусли мироб Зарафшон бўйлаб, бир неча чақиримга чўзилган Панжакентнинг боғларини суғорадиган “Қайнар” номли катта ариқ бўйида, намат устида эртадан кечгача сувни қўриқлаб чой ичиб, ора-сира тилининг остига нос ташлаб ўтириши, миробман деб сувни хоҳлаган кишисига пора эвазига бериши бадиий лавҳаларда қизиқарли ҳикоя қилинади.

Хуллас, “Маориф ва ўқитғувчи” журналидаги насрий асарларда 20-30-йилларда юртимизда ҳукм сурган сиёсий аҳвол ва аждодларимизнинг турмуш тарзи ҳикоя қилинади.

Бобнинг *“Шеърий асарлар матнининг график шакллантирилиши*” деб номланган иккинчи фаслида журналда чоп этилган шеърларнинг матн хусусияти ва уларнинг график шакллантирилиши ҳақида мулоҳаза билдирилган. Шеърнинг график шакллантирилиши деганда шеърнинг ёзувдаги ифодаси билан боғлиқ жиҳатларини назарда тутамиз. Яъни, бу ўринда назмий асарнинг кўриниб турган ёзувдаги томони англашилади. Бу талаблар “Маориф ва ўқитғувчи” журналида қай даражада эканлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Ботунинг “Паранжи”, “Яралганган қуш”, “Адабиёт”, “Ҳақиқат”, “Кураш” “Озод қизға”, “Эрклига” номли 7 та шеъри чоп этилган. Боту бир қатор шеърларининг бошланиши, асосан, охирида иккитадан мисрани алоҳида ажратиб қўяди, қолган жойларини эса 4+4+4 шаклида бўлган учта композицион бўлак – банд жойлаштиради. Шоир нима учун ўз шеърини бу тарзда бандларга ажратади? Ушбу шакл ўқувчига қандай қўшимча маълумотлар беради? – деган саволларга бандларга ажратилган шеърларидан жавоб излаймиз. Ботунинг “Озод қизға”, “Кураш учқуни”, “Исён алангаси”, “Арафа кечаси” каби кўпгина шеърлари шу шаклда, яъни муқаддима ёки хотима қисмлари, баъзида иккиси ҳам алоҳида ажратилган иккилик банд, қолган мисралари эса ўртада яхлит ҳолда 4 мисралик учта бандга жамланган. Масалан, “Маориф ва ўқитғувчи” журналининг 1927 йил 12-сонида чоп этилган “Озод қизға” шеъри шундай қурилган. Яъни шеърнинг хотима қисми алоҳида икки мисрада берилган.

Озод қизға

Умид ёз, эркни бер тилга
Бу ёқ эрк ўйнаған ёқдир.
Кулиб бахш эт суюнч дилга,
Тилаклар гуллаган чоқдир.

[20] Зарт Е. Мироб. //Маориф ва ўқитғувчи. – Самарқанд, 1926. – № 10-11. – Б.37-40.

Чекил буткул чекил ғамдан,
Фиғонлар йўқға ботсинлар.
Кўзингни сақлағил намдан,
Амаллар нурлар отсинлар.

Кўринг эркин гўзал юзни,
Жаҳон кўрсин, замон кўрсин.
Пок истиқбол букуб тизни,
Узун сочни тараб ўрсун.

Улуғ йўлдан югур олға!
Кўмакчидир "ўроқ-болға!"

Шеър мисралари 4+4+4+2 кўринишидаги 4 банддан иборат бўлиб, биринчи банд паранжини ташлаб, турли чекловлардан озод бўлган қизга мурожаат этишдан бошланади. Эркли қизлар умид билан эркин сўзлашини, юзида кулги, қалбида қувонч, тилаклари бисёр бўлиши тасвирланади. Иккинчи бандда ҳам мурожаат давом этади. Ғамлардан чекилиб, фиғонларни йўққа чиқариш, кўзларида нам эмас, улуғ амаллар нур сочиб туриши орзуси ифодаланади. Учинчи бандда нутқ кўпчиликка қаратилиб, озодлик қувончи халқ билан баҳам кўрилиб, шу кунларга сабабчи бўлган янги давр тасвирланади. Хотимада озод қизга эрк йўлида олға юриши, бунда унга меҳнат, ғайрат, шижоат кўмакчи бўлиши уқдирилади.

Шеърнинг бу тартибда бандларга ажралиши ўз-ўзидан бўлмай, Боту буни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда амалга оширгани кўриниб турибди. Мазкур шеър 2016, 2020 йилларда Наим Каримов ва Шерали Турдиев томонидан нашрга тайёрланган Ботунинг "Танланган асарлар"ида эса негадир шеърнинг охиридаги икки мисралик хотима қисми ташлаб кетилган. Бу, албатта, шеър мазмунининг тугалланмай қолишига, ўқувчига тўла англашилмай қолишига сабаб бўлган. Бизнингча, Ботунинг шеър бандларини бу тарзда ажратиши ўзига хос бир услуб. Афсуски, қайта нашрларда бунга аҳамият берилмаган. Бундай камчиликларни кейинги нашрларда тузатиш заруратдир. Ишда Ҳамид Олимжон, Чўлпон, Элбек, Миртемир каби ижодкорлар шеърларининг график шакллантирилиши ҳақида ҳам мулоҳазалар юритилган.

Диссертациянинг учинчи боби **"Адабий-танқидий ва таржима асарлар эстетик қиммати"** деб номланиб, икки фаслдан ташкил топган. Дастлабки фасл "*Адабий танқидга оид мақолаларда бадиий матн талқини масаласининг ёритилиши"* деб номланади. XX аср 20-30-йиллари ўзбек адабиётида бадиий асарларнинг адабий жараёнда ва адабий муҳитдаги ўрнини баҳоловчи адабий-танқидий мақолаларнинг салмоқли қисми "Маориф ва ўқитғувчи" журналида нашр этилди. "...Адабиётнинг бир қисми адабий танқид эса жамият бадиий тараққиётини илмий билишнинг аниқ кўринишидир"[21]. Шубҳасиз, бу мақолалар ҳам адабий жараён, адабий муҳит тарихини ўрганишда муҳим

[21] Назаров Б., Расулов А., Қаҳрамонов Қ., Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи. – Т.: Чўлпон, 2012. – Б. 22.

адабий манба вазифасини ўтайди. Журналдаги “Бугунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз”, “Адабиёт тўғрисида хато назариялар”, “Улуғ ҳиндий”, “Турк адабиёти тарихи”, “Русиянинг буюк адиблари”, “Аҳмад Яссавий” номли мақолаларни *адабий-танқидий йўналишдаги мақолалар,* “Биринчи ўрнак дарслиги”, “Иккинчи ўрнак дарслиги”, “Учинчи ўрнак дарслиги”, “Ўқиш китобларида фанний хатолар”, “Қўлланма ва дарсликлар теварагида”, “Совға” тўғрисида фикрлар”, “Саводсизлиқни битирувчининг йўлдоши” мақолаларни эса педогогик характердаги *танқидий мақолалар* сифатида тасниф қилиш мумкин.

Журналнинг 1925 йилнинг 4-5-6-7-8-сонларида чоп этилган Вадуд Маҳмуднинг *“Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз”* мавзусидаги адабий-танқидий мақоласида: “… башариятнинг “урфони коинот” ҳақида топғон йўлларининг энг муаззами ва ҳаётийси тасаввуфдир”[22], “…санъат санат учун эмас, балки ҳаёт учундир”[23] – дея мулоҳаза билдирилади. Муаллиф шеърдаги ишқни икки жабҳага бўлади: ҳақиқий ва мажозий ишқ. Ҳақиқий ишқ руҳи умумийга ҳулул дардидурки, энг юксак ва орифона бир амалдир. Мажозий ишқ эса оддий ва нафсоний эҳтиросдирки, умумий ва табиий бир майлдир. Мақолада Навоий, Фузулий, Аҳмад Яссавий, Машраб ҳақиқий ишқ шоирларидир деган фикрлар билдирилади. Шунингдек, янги адабиётнинг пайдо бўлиш жараёни, шакл ва мазмун, ижодкор ва жамият, шеър техникаси, гўзал санъат ҳақида мулоҳазалар юритилади. “Шоир ва шоир бўлғувчиларимизнинг энг катта аҳамиятсиз қарағон, диққат қилмағон нуқтаси шеър техникасидир. Уларнинг мавзулари билан олғон шакллари, қабул қилғон вазн ва оҳанглари, сўз тузилишларининг алоқаси йўқ ҳукмидадир…Бу робиталарни эски шеърга уста Фитрат билан янги шеъримизнинг биринчи намояндаси Чўлпоннинг оз-моз риоя қилғонини кўрамиз”[24] – деб ёзади, муаллиф. Фикрларини америкалик машҳур шоир Эдгард Понинг сўзлари, тажрибалари билан изоҳлайди. Умархоннинг шеърини Эдгард По асарларига солиштиради ва ёш ижодкорларга намуна қилиб кўрсатади. Алишер Навоий шеъридан мисол келтириб[25], уни калиманинг, товушнинг маъно билан келишмаги кераклигини яхши татбиқ қилганлигини мисоллар асосида кўрсатади. Бу ҳақда адабиётшунос Б.Каримов ҳам бундай ёзади: “Мафкуравий сиёсат устун бўлган мураккаб бир шароитда Чўлпон, А.Қодирий, Фитрат асарларига энг тўғри баҳо берди. Адибнинг ўзига хос жиҳатларидан бири асарнинг шакли, услуби, тили уни биринчи галда қизиқтириб, кейин маънога эътибор беради”[26]. Вадуд Маҳмуд ижодкор дунёқараши, адабиётнинг гўзаллиги учун жаҳон адабиёти тажрибаларига мурожаат этади. Мумтоз адабиёт хусусиятлари, тасаввуф ҳақида фалсафий мушоҳадалар юритади.

Журналнинг 1925 йил 2-сонида чоп этилган Ғози Олимнинг *“Адабиёт тўғрисида хато назариялар”* номли адабий-танқидий мақоласи ҳам диққатга

---

[22] Вадуд Маҳмуд.Бугунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз.// Маориф ва ўқитғувчи. – Тошкент, 1925. – № 4. – Б.55.
[23] Шу манба.
[24] Қаранг: Шу манба.
[25] Қаранг: Шу манба.
[26] Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар.(Нашрга тайёрловчи Б.Каримов). – Т.: Маънавият, 2007-йил. – Б.4-5.

